

ДАРЁ ҲАВЗАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ БАЛАНСИНИ ЙИЛ ОЙЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ

Дарё ҳавзаси сув хўжалиги балансини йил ойлари бўйича таҳлили натижалари дарё ҳавзасида йилнинг июнь-октябрь ойларида сув тақчиллиги кузатилишини кўрсатди. Йилнинг қолган даврларида дарё ҳавзасида сув ресурслари етишмаслиги сезилмайди. Бу даврда 25-35 млн. м³ миқдордаги сувни сув омборларига йиғиб сув оқимини қайта ростлаш мумкин. Мазкур сувнинг бир қисми ҳозирги кунда Эски ер ва Чортоқ сув омборларида йиғилаётганини инобатга олинандиган бўлса ҳам дарё ҳавзасида сув оқимини мавсумий ростловчи сув омборларини кўпайтириш асосида 15-20 млн. м³ миқдордаги сувни бемалол қайта ростласа бўлади.